

2016

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN



MILLIY TIKLANISH

42 (414) ● 2016 йил 5 октябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Жорий йилнинг 9 ойида халқ депутатлари Миришкор туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи 17 та депутатлик сўровини амалга оширди

ЎзМТДП ҳудудий ташкилотлари Конференцияларида партиянинг V Съездига делегатлар сайланмоқда

Янги қонунда ички ишлар органларининг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ваколатлари аниқ белгилаб қўйилди

Сайлов — 2016

Хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналар ҳузурида

44 сайлов участкаси тузилади

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ишлари қизгин паллага кирди. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, сиёсий партиялар, ҳудудларда ташкил этилган округ сайлов комиссиялари ушбу муҳим сиёсий тадбирни юқори савияда ташкил этиши ва ўтказиши бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

3 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Марказий сайлов комиссиясининг видеоконференцалоқа шаклида ўтказган мажлисида сайловга тайёргарлик борасидаги ишлар муҳокама қилинди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мажлиси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов олиб борди. Комиссия аъзолари дастлаб мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкаларини тузиш масаласини кўриб чиқдилар.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузуридаги сайлов участкаларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси тузади.

> 2-бет.

Конференция



ЎзМТДП ҳудудий ташкилотларида

муҳим сиёсий жараёнга пухта тайёргарлик кўрилмақда

Мамлакатимизда шу йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ватанимизнинг янги тарихида юқот муҳим ижтимоий-сиёсий воқеадир. Зеро, мамлакатимиз келажаси, унинг янада тараққий топиши сайловнинг барча иштирокчиларининг фаоллиги, сиёсий етуклиги, пировард натижада, сайловчилар қабул қиладиган қарорга боғлиқ.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ана шу муҳим сиёсий жараёнга қизгин ҳозирлик кўрмоқда: партия фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари, электорат вакиллари ва ёшлар фаол иштирок этаётир. Айни пайтда жойларда ЎзМТДП Марказий кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиши бўйича чора-тадбирлар режасига асосан партия вилоят ташкилотлари Конференциялари бўлиб ўтмоқда.

> 2-бет.

Ушбу сонда:

Уй тўридаги манглайқош

Каштачилик азалдан халқимиз анъана ва маданиятининг рамзи, унинг ажралмас қисми бўлиб келган



> 5-бет.

"Арена ди Верона" амфитеатри

икки минг йиллик тарихга гувоҳ



> 7-бет.

Аму соҳилидан эсган саболар

Ҳаким ат-Термизий зиёратгоҳида бир кун

Кўхна Термизнинг Амударё соҳилига яқин жойда фойзли бир маскан бор. Маҳаллий аҳоли уни "Термиз ота" дея улуғлайди



> 8-бет.

Миллий ғурур

Билим — юксакликка чорлайди



Юртимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самарасида ёшларимиз барча соҳада улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Хусусан, ўқувчи ва талабаларимиз халқаро фаол олимпиадаларида юқори натижаларга эришиб, Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини исботлаётир.

Шу йилнинг 9-16 июль кунлари ўқувчилар ўртакда Гонгконгда бўлиб ўтган 57-халқаро олимпиадада дунёнинг 109 давлатидан 600дан зиёд ёш математиклар беллашди. Қувонарлиси, юзлаб йигит-қизлар орасидан уч ўқувчимиз совриндорлар қаторидан ўрин эгаллади.

> 6-бет.

4 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизгин тайёргарлик кўрилмақда. Айни пайтда жорий йилнинг 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши учун Марказий сайлов комиссияси ижозат берган тўрт сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўпламоқда.

Сайловчилар имзосини тўплаш

фаоллик ҳамда уюшқоқлик билан ўтказилди ва бу жараён яқунланмоқда

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари ҳам ушбу жараёнда фаол иштирок этмоқда. Партия марказий, ҳудудий ва маҳаллий ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриши бўйича ташкил этилган сайлов штаблари сайловчилар имзоларини тўплаш ишларини тизимли равишда йўлга қўйиб, имзо варақаларини тўлдирди тартиби ва бу борада қатъий амал қилиниши лозим бўлган жиҳатлар сайловчиларга тушунтирилмоқда.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунга 2015 йил 29 декабрда киритилган ўзгаришларга мувофиқ, сиёсий партия томонидан тақдим этиладиган имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси жамаи сайловчилари умумий сонининг 5 фоизидан 1 фоизигача камайтирилди. Бу 214 минг 350 сайловчи имзосини ташкил этади.

> 2-бет.

Ташаббус натижа берди

ЎзМТДП дастурий мақсадлари ижросига оид масалалар

халқ депутатлари Жондор туман Кенгаши сессиясида муҳокама қилинди

Иштиқлоқ йилларида мамлакатимизда навқирон авлоднинг ҳар томонлама соғлом вояга етказишга қаратилган кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Бунда, айлиқса, жисмоний тарбия ва спорт муҳим ўрни тутди. Шу боис юртимизда болалар учун замонавий спорт объектлари бунёд этилмоқда.

Халқ депутатлари Жондор туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ҳам партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда айни шу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда. Беш депутатдан иборат партия гуруҳи жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 12 та депутатлик сўровини амалга оширди, маҳаллий Кенгаш сессиясига икки масала олиб чиқилди. Уларнинг аксарияти ҳудудларда навқирон авлод вакиллари учун зарур шарт-шароит яратишга қаратилган. Хусусан, яқинда халқ депутатлари Жондор туман Кенгашининг навбатдаги сессиясида ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан болалар спорт объектларидан самарали фойдаланиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ёш авлодни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этишни кенгайтириш борасида туманда амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

> 3-бет.

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



«Milliy tiklanish» газетасини
www.milliytiklanish.uz
сайтида ҳам ўқинг!

Конференция

ЎзМТДП ҳудудий ташкилотларида

муҳим сиёсий жараёнга пухта тайёргарлик кўрилмоқда

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Қорақалпоғистон. Партия Қорақалпоғистон Республикаси ташкилотининг V Конференцияси бўлиб ўтди. Унда 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг иштироки бора-сида ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси ташкилотидан олиб борилаётган тайёргарлик ишлари кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Тожибой Романов сўзга чиқди.

Конференцияда таъкидланганидек, партияимиз ўтган йиллар давомида муайян сиёсий таърибага, жамиятда ўз ўрнига эга бўлди. Энг асосийси, барқарор электроти таъминоти шаклланди. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси сиёсий партиялар фаолиятини сифат жиҳатдан янги bosқичга кўтарди. Ушбу дастурий ҳужжатда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, кўппартиявийлик тизimini янада мустаҳкамлашга доир белгилар берилган чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эгадир. Бу эса Президент сайловида иштирок этишга қарор қилган сиёсий партиялардан сайлов кампаниясида нафақат ўз фаоллигини кучайтириш, балки бу борадаги фаолиятини, номзодларнинг ўз сайловолди дастурини янада юксак даражада кўтаришни талаб этмоқда.

Шунингдек, тадбирда мамлакатимиз Президентлигига партиямиз кўрсатган номзодни қўллаб қўллаб-қувватловчи фуқаролар имзоларини тўплаш ишлари кизгин бораётгани, унда кишлоқ фуқаролар йиғинлари, ўқув муассасалари ва бошланғич партия ташкилотлари фаол иштирок этаётгани алоҳида таъкидланди. Конференцияда партиямиз-

нинг бошланғич партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари ишларини янада кучайтириш юзасидан фикрлашилди, ЎзМТДП V Съездига делегатлар сайланди.

Раъно ҚАЛАНДАРОВА, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгесидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сайлов тизimini демократлаштириш ва бу йўналишдаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар изчил ва тизимли амалга оширилди. Бунинг самараси ўларок, юксак демократик талабларга жавоб берадиган, умумэтироф этилган халқаро меъёр ва тамойилларга мос бўлган, фуқароларнинг хоҳиш-иродасини эркин билдириши кафолатлари таъминланган, ҳар бир инсоннинг давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи мустаҳкамланган самарали норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди. Сайловларнинг фақат Марказий сайлов комиссияси томонидан мустақил ташкил қилиниши, Ўзбекистонда Президент сайловида сиёсий партиялар учун тенг шароитлар яратилганлиги мамлакатимиз сайлов қонунчилиги халқаро меъёр ва талабларга жавоб беришидан, сайловларнинг очик-ошкоралигидан ҳамда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи тўла кафолатланганидан далолат беради.

Хоразм. ЎзМТДП Хоразм вилоят ташкилоти Конференциясида ҳам жорий йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик ишлари муҳокама қилинди.

Конференцияни ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси девон раҳбари Гафуржон Юсупов кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди: — Демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида юртимизда сиёсий партияларнинг

ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Сиёсий партиялар мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим масалалари юзасидан электроти манфаатидан келиб чиққан ҳолда ўз нуктаи назарини билдираётир. Давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органларида кўпроқ ўринларни қўлга кириштириш орқали ўз дастурий гоёларини амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг стратегик вазифаларини ҳал этишда сезиларли таъсир кучига эга бўлиб бормоқда. Партияимизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши, ўз навбатида, барча даражадаги ташкилотларимиз, қолаверса, ҳар биримизга катта масъулият юклайди.

Конференцияда бўлажак сайлов ЎзМТДПнинг дастурий мақсад ва вазифаларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, электроти манфаатларини янада кенгроқ ифодалаш, партия нуфузини юксалтириш имконини бериши таъкидланди.

Конференцияда ЎзМТДПнинг V Съездига делегатлар сайланди.

Бекберган АҲМЕДОВ, халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:

— Кўппартиявийлик тизimini юртимизда соғлом сиёсий ра-

қобат муҳитининг пайдо бўлиши, сиёсий партияларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳадаги ислохотларда ўз дастури билан иштирок этиши, жамиятда турли фикр ва қарашларнинг шаклланишида муҳим восита вазифасини ўтамоқда. Сайлов тўғрисидаги қонунчиликда фақат сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқи белгилангани уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Шуманодо барча сиёсий партия, жумладан, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг сайловида иштирок этишини таъминлаш ҳам шарафли, ҳам масъулиятли вазифадир.

Андижон. ЎзМТДП Андижон вилоят ташкилоти Конференциясида юртимизда сиёсий партиялар эркин фаолият юритиши учун яратиб берилган кенг ҳуқуқ ва имкониятлардан самарали фойдаланиш, партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари ҳамда унинг электроти манфаатларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирокини таъминлаш, бу жараёнда партия вилоят ташкилоти олдида турган долзарб вазифалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.



— Вилотимизда ҳам жорий йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловга кизгин ҳозирлик кўрилмоқда, — деди партия Андижон вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси девон раҳбари Ҳамиджон Омонов. — Ушбу муҳим жараёнга тайёргарлик кўриш ишларини уюшқоқлик билан ташкил этишда партия ташкилотлари етакчилари ва фаолларнинг ташкилотчилиги, сиёсий билим ва маҳорати муҳим аҳамиятга эга.

Кенг жамоатчиликка амалдаги сайлов қонунчилигининг мазмун-моҳиятини етказиш, дастурий мақсадларини тарғиб қилишда оммавий ахборот воситалари хусусан, партия нашри билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партиямизнинг иштирокини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш вилотимиздаги ҳар бир сафдошимиздан фидойилик ва ташкилотчилики талаб этади. Партиядошларимизни бу муҳим-сиёсий жараёнга уюшқоқлик билан сафарбар этиш ҳудудий ташкилотимизнинг барча бўғинлари, депутатлик гуруҳлари олдида турган долзарб вазифадир.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик жараёнида сайлов қонунчилигининг асосий тамойил ҳамда талабларига риоя қилинаётгани таъкидланди. ЎзМТДПнинг V Съездига делегатлар сайланди.

Мухтасар айтганда, мамлакатимиз тарихидаги сиёсий воқелик — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини юксак даражада ташкил этиш учун барча шароит ва имконият мавжуд. Юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга мазкур сиёсий жараён сайловчилар фаолиги, сиёсий етуқлигини яна бир бор намоён қилиши шубҳасиз.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА, Замира РЎЗИЕВА, “Milliy tiklanish” мухбирлари

Давра суҳбати

Тингловчиларга сайлов аҳамияти тушунтирилди

2016 йилнинг 4 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси билан ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг аҳамияти” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатида Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси тингловчилари, ҳуқуқшунос-олимлар, сайлов ҳуқуқи бўйича экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов мамлакатимизда мустақиллик йилларида сиёсий, давлат ва ҳуқуқий тизим bosқичма-bosқич модернизация қилиниши самарасида юксак демократик талабларга мос миллий сайлов тизimini яратилганини таъкидлади. Фуқароларнинг шу аснода давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи тўлиқ таъминланмоқда. Бунда Конституциямиз ва қонунларда умумэтироф этилган норма ва принциплар асосида шакллантирилган сайловларни ўтказишнинг демократик принциплари мустаҳкамлаб қўйилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда мамлакатимизда сайлов умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ихтиёрийлик асосида очик ва ошқора ўтказилиши алоҳида қайд этилди. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида” ги қонунга 2015 йилда киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга биноан, сайловолди ташвиқоти нафақат сайлов куни, балки овоз бериш бошланишидан бир кун олдин ҳам олиб борилмади.

Таъкидланганидек, сайлов жараёнининг очик ва ошқоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутди. Бугунга қадар мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 500 дан зиёд вакили Марказий сайлов комиссияси томонидан аккредитациядан ўтказилгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Сайлов комиссияларининг барча тадбирлари журналистлар иштирокида ўтказилмоқда. Мавзуга оид телекўрсатув ва радиоешиттиришлар мунтазам эфирга узатилмоқда, босма ва интернет-нашрларда кенг ёритилмоқда.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар бўлажак Президент сайловининг аҳамияти, сайлов кампаниясини очик ва ошқора олиб боришнинг асосий мезонлари, сайлов қонунчилигига киритилган сунгги ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Ўзаро мулоқот ва фикр алмашиш шаклида ўтказилган тадбирда иштирокчилар саволларига жавоб берилди.

Бехзод БОЗОРОВ, ЎЗА

Сайлов — 2016

Хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналар ҳузурда

44 сайлов участкаси тузилади

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг бу борадаги таъдиромасини кўриб чиқиб, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 44 сайлов участкасини тузиш ҳамда уларни 14-Тошкент шаҳар сайлов округига бириктириш тўғрисида қарор қабул қилди. Таъкидланганидек, хорижий давлатларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкаларини тузиш ўқиш, иш ва хизмат сафари билан чет давлатларда бўлган юрtdошларимиз учун қулайлик яратиши, овоз бериш ва сайлаш ҳуқуқларини амалга ошириш имконини беради.

Мажлисда сиёсий партиялар тақдим этадиган имзо варақалари тўғри тўлдирилганини текшириш бўйича Марказий сайлов комиссияси ҳузурда ишчи гуруҳлари тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ишчи гуруҳларининг асосий вазифаси — “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида” ги қонуннинг 242-моддасига асосан имзо варақаларининг қонун талабларига мувофиқлиги ҳақида ҳулосалар беришдан иборат. Ишчи гуруҳларига малакали мутахассис, эксперт ва ҳуқуқшунослар жалб этилган.



Шунингдек, он-лайн мажлисда 2-Андижон округ сайлов комиссияси раиси Облоқул Мирзаев ҳамда 12-Хоразм округ сайлов комиссияси раиси Равшан Жабборовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарликнинг бориши ҳақидаги ахборотлари ҳам эшитилди. Қайд этилганидек, ҳар иккала ҳудудда ҳам ушбу муҳим жараёнга пухта ҳозирлик кўрилиб, округ сайлов комиссияларида барча шароит яратилган. Қонунчиликда белгиланган тартибда участка сайлов комиссиялари тузилган. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларида 20 октябрга қадар участка сайлов комиссиялари таркиби тасдиқланиши белгиланган.

Комиссия аъзолари Марказий сайлов комиссиясига мурожаат қилган оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш масаласини ҳам кўриб чиқдилар. Таъкидланганидек, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнининг очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш, жамоатчиликни сайлов кампаниясининг барча bosқичи хусусида ўз вақтида хабардор қилишда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутди. Шу вақтга қадар мамлакатимиз ва хорижий босма ҳамда электрон оммавий ахборот воситаларида сайлов кампанияси билан боғлиқ икки мингдан зиёд материал эълон қилинди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

М.КОМИЛОВА, “Milliy tiklanish” мухбири

4 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Сайловчилар имзосини тўплаш

фаоллик ҳамда уюшқоқлик билан ўтказилди ва бу жараён яқунланмоқда

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ушбу имзолар эса камида саккиз маъмурий-ҳудудий тузилма намоёндаси бўлган сайловчиларни қамраб олган бўлиши керак. Сиёсий партиялар маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилотлар ҳамда Тошкент шаҳрида имзолар умумий миқдорининг кўпи билан саккиз фоизини тўплаши мумкин. Қонунчиликка мувофиқ, сайловчилар имзосини тўплаш иши, хизмат, ўқиш, яшаш жойларида, сайловолди тадбирларида, шунингдек, ташвиқот юритиш ҳамда имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилиши керак.

— Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий сайлов комиссиясидан имзо варақаларини олган кундан бошлаб ушбу жараённи юқори савияда ташкил этиш ва самарали ўтказишга доир тадбирларни белгилаб олди, — дейди **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия кўмитаси девонидан ташкил этилган сайлов штаби раҳбари Тожибой Романов**. — Бизнинг ҳудудимиздан ўн етти мингдан зиёд имзо тўпланиши керак. Барча туман, шаҳар ва бошланғич партия ташкилотимиз партиямиздан кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлаш бўйича сайловчилар имзосини тўплаш ишларини қонунчиликда белгиланган тартибда ўз вақтида тўлдириш, ҳудудларни тўлиқ қамраб олишга ҳаракат қилаётир. Ушбу тадбирларни уюшқоқлик билан ўтказишда партия вилоят, ту-

ман, шаҳар ҳамда бошланғич ташкилотларимизнинг имкониятларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотларимизнинг имзо варақаларини тўлдириш бўйича олиб бораётган ишларининг кундалик ҳисоботлари олиниб, текшириб бориляпти. Сайловчилар имзосини белгиланган тартиб ва миқдорда тўплаш партиямизнинг ушбу сиёсий жараёнда ўз номзоди билан иштирок этишини таъминлайди. Шундай экан, мазкур жараён сайлов кампаниясининг муҳим bosқичи ҳисобланади. Имзо варақаларини тўлдириш ишлари ЎзМТДПнинг барча ташкилотидан уюшқоқлик билан ташкил қилинган.

— Сайловчилар имзосини тўплашни уюшқоқлик ва юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирларни белгилаб олганмиз, — дейди **ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси, кенгашда ташкил этилган сайлов штаби раҳбари Тожибой Романов**. — Бизнинг ҳудудимиздан ўн етти мингдан зиёд имзо тўпланиши керак. Барча туман, шаҳар ва бошланғич партия ташкилотимиз партиямиздан кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлаш бўйича сайловчилар имзосини тўплаш ишларини қонунчиликда белгиланган тартибда ўз вақтида тўлдириш, ҳудудларни тўлиқ қамраб олишга ҳаракат қилаётир. Ушбу тадбирларни уюшқоқлик билан ўтказишда партия вилоят, ту-

тимиз, халқимиз ҳаёти, эртанги тараққиётимиз учун муҳим аҳамиятга эга сиёсий жараён дир, — дейди **ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси девони бош мутахассиси Нарғиза Содикова**. — Унга тайёргарлик кўриш ишлари айна пайтда кизгин паллага кирган. Юртимизда сайловлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов тўғрисидаги қонунлар, шунингдек, халқаро демократик талабларга амал қилинган ҳолда очиклик ҳамда ошқоралик шароитида ташкил этилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айна кунларда олиб борилаётган имзо тўплаш жараёни ҳам қонунчиликка асосан, белгиланган муайян тартиб-қоидалар воситасида амалга оширилмоқда. ЎзМТДП Наманган вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида тузилган сайлов штаблари имзо тўплаш ишларини уюшқоқлик билан олиб бормоқда. Мазкур жараёнда партиянинг бошланғич бўғинлари, депутатлик гуруҳлари вакиллари ҳамда ёшлар фаол иштирок этаётир. Зеро, бу муҳим сиёсий тадбирда иштирок этаётган ҳар бир юрtdошимиз сайлов кампанияси бир-бири билан боғлиқ тизимли жараённи ифода этишини яхши англайди. Бу bosқичлар орасида сайловчилар имзосини тўплаш ҳам муҳим ўрин тутди. ЎзМТДПнинг барча ташкилотидан сайловчилар имзоларини тўплаш жараёни кизгин давом этмоқда.

Мухтарама КОМИЛОВА, “Milliy tiklanish” мухбири

14-Тошкент шаҳар округи ҳудудида

713 сайлов участкаси ташкил этилди

30 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда округ ҳудудида сайлов участкалари тузиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Округ сайлов комиссияси раиси Аҳмадхўжа Юнусхўжаев жорий йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида амалдаги қонунлар, халқаро меъёр ва қоидаларга амал қилинган ҳолда тайёргарлик кўрилаётганини таъкидлади. Сайловни юқори савияда ва уюшқоқлик билан ўтказишда сайлов участкалари муҳим ўрин тутди. Округ сайлов комиссияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида” ги қонуннинг 10- ва 11-моддаларига мувофиқ туман ҳокимликлари ҳамда ҳарбий қисмлар командирларининг сайлов участкаларини тузиш тўғрисидаги тақдиромалари кўриб чиқилди. Шунга мувофиқ 14-Тошкент шаҳар округи ҳудудида 713 сайлов участкаси ташкил этилди. Сайлов участкаларининг тартиб рақами, чегараси ва манзили кўрсатилган рўйхати тасдиқланди. Округ сайлов комиссиясининг бу борадаги қарори туман ҳокимликлари ва тегишли идораларга ижро учун юборилди.

Шу кун оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ташкил этилди. Унда округ сайлов комиссиясининг жорий йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик кўриш билан боғлиқ амалга ошираётган ишлари ҳақида маълумот берилди. Хусусан, брифингда сайловчилар сайлов участкалари манзили ҳамда овоз бериш биноларининг жойлашиши ҳақида матбуот орқали хабардор қилиниши қайд этилди.

Тадбирда округ сайлов комиссияси аъзолари эътибор қаратиши зарур бўлган жиҳатлар ҳақида сўз юритилди. Жумладан, округ ҳудудида ташкил этилган сайлов участкалари давлат рамзлари, мебель жиҳозлари, алоқа, ахборот, техника воситалари билан таъминланиши таъкидланди.

Ўз мухбиримиз

Ташаббус натижа берди

ЎзМТДП дастурий мақсадлари ижросига оид масалалар

халқ депутатлари Жондор туман Кенгаши сессиясида муҳокама қилинди

«Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Айни пайтда Жондор туманида 30 мингдан ортиқ 6-13 ёшли болалар спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Унинг 12 мингдан зиёди қизлардан иборат. Ўтган йили ҳудудда эллиқдан ортиқ спорт мусобақаси ташкил этилиб, уларда 15 мингга яқин ёшлар иштирок этди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан қурилган 5 спорт иншоотида бугун спортнинг 15 тури бўйича қарийб 200 тўғарак ташкил этилиб, 3 мингга яқин бола қамраб олинган. Улар орасида вилоят ва республика мусобақалари голиблари бор. Жумладан, Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари (БЎСМ) ўртасида ўтказилган «Умид ниҳоллари» мусобақасининг вилоят босқичида туман жамоаси 3-ўринни эгаллади. Туман вакиллари дзюдо, миллий кураш, қўл тўпи,



Айни пайтда Жондор туманида 30 мингдан ортиқ 6-13 ёшли болалар спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Унинг 12 мингдан зиёди қизлардан иборат. Ўтган йили ҳудудда эллиқдан ортиқ спорт мусобақаси ташкил этилиб, уларда 15 мингга яқин ёшлар иштирок этди. Бугун Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан қурилган 5 спорт иншоотида спортнинг 15 тури бўйича қарийб 200 тўғарак ташкил этилиб, 3 мингга яқин бола қамраб олинган.

футбол, стол тенниси, бадий гимнастика бўйича вилоят ва республика мусобақаларида ҳам муносиб қатнашмоқда. Жорий йилнинг май ойида Гулистон шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган республика турнирида ушбу спорт мактаби футбол жамоаси 2-ўринни, дзюдо бўйича Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган мамлакат биринчилигида 7 вазн тоифасида биринчи, 6 вазн тоифасида эса 2-ўринни эгаллади.

— Жорий йилда туманимиздаги мавжуд беш спорт мактаби ўрнига Жондор туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ташкил этилгани ёшларимизнинг спорт билан шуғулланишлари учун янада кенг имконият яратди, — дейди халқ депутатлари Жондор туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Мансур Муҳаммадов. — Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг манзили қурилиш дастурига мувофиқ, бу йил туманда 1 спорт иншооти, 30 умумий ўрта таълим мактабида спорт заллари фойдаланишга топширилади. Бироқ партия гуруҳимиз томонидан олиб борилган ўрганишлар бу борада айрим камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Масалан, «Фарход» болалар ва

рида кураш гиламлари эскирган. Бунинг натижасида спорт мактаблари ва тўғаракларида машғулотлар мунтазам ташкил этилмапти.

Сессияда мазкур масала атрофлича муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Унга кўра, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман филиали, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари мутасаддиларига мавжуд камчиликларни бартараф этиш, тўғараклар фаолиятини такомиллаштириш ҳамда бу бўйича доимий мониторинг олиб бориш, спорт мажмуаларини барча зарур анжомлар билан таъминлаш вазифалари юклатилди. Бундан ташқари, қарорда спортнинг сузиш турини ривожлантириш мақсадида туманда сузиш ҳавзасини ташкил қилиш алоҳида белгиланди.

Бир сўз билан айтганда, ЎзМТДП гуруҳининг мазкур ташаббуси ҳамда сессия қарорида белгиланган вазифалар туманда ушбу соҳани янада ривожлантириш, болалар ва ўсмирларни спортга кенг жалб қилиш борасидаги ишларни юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади. Шу билан бирга, ЎзМТДПнинг

спортни ривожлантириш, болалар ва ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун кенг шарт-шароит яратишга кўмаклашиш сингари дастурий мақсадлари ижросида муҳим ўрин тутди.

Халқ депутатлари Жондор туман Кенгаши сессиясида ЎзМТДП гуруҳи яна бир муҳим ташаббус билан чиқди: «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларнинг самарадорлиги тўғрисидаги масала сессия кун тартибига киритилди. Унда Давлат дастурининг ҳудуддаги ижроси атрофлича муҳокама этилди.

Туман ҳокими қарори асосида ишлаб чиқилган ҳудудий дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун 24,4 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилган. Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, ушбу дастур ижросига 12 миллиард сўм ҳамда 5 минг АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфланган. ЎзМТДП гуруҳи ўрганиш жараёнида бу борада ҳам айрим камчиликларга йўл қўйилганини аниқлади. Ушбу масала юзасидан сессия қарори қабул қилиниб, тегишли ташкилотлар зиммасига мазкур йўналишдаги камчиликларни ўз вақтида ҳал этиш вазифаси юклатилди.

Ортиқ ШЕРОВ,
халқ депутатлари Жондор туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси:

— «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини янада мустаҳкамлаш борасида қатор чора-тадбир ва вазифалар белгиланган. Зеро, соғлом она ва бола жамият таянчи, юрт келажаги, баркамол авлод давомийлигининг муҳим шартидир. Шу маънода, Давлат дастурида кўзда тутилган мақсад-вазифалар ҳар биримизга дахлдор: унинг ижросини таъминлашга ҳисса қўшиш барчамизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди.

Халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида Давлат дастурининг ҳудуддаги ижроси муҳокама қилинган бу борадаги ишлар самарадорлигида муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, мазкур йўналишдаги савб-ҳаракатларимиз ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш каби мақсад-вазифалар рўйбига хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Маннон ОТАБОЙ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Депутатлар фаолиятидан

Сайловчилар билан юзма-юз мулоқотда бўлиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари, таклиф-тавсияларини мунтазам ўрганиб бориш — депутатлик фаолиятининг ажралмас қисми. ЎзМТДПнинг дастурий мақсадлари, сайловолди Платформасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар, қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жойларда ижросини таъминлашда фаоллик кўрсатиш, тегишли корхона, ташкилот ва мансабдор шахсларга фуқаролар манфаатларини ҳимоялаш юзасидан депутатлик сўровлари билан чиқиш, уларнинг ҳисоботини эшитиш, дозарб ҳудудий масалаларни маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига киритиш ва депутатлик назоратини олиб бориш партия гуруҳлари зиммасидаги муҳим вазифалардан.

Самарали лойиҳалар

сайловчи ишончини қозонишнинг муҳим воситаси

Халқ депутатлари Андижон вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ўз ваколат ва имтиёзларидан фойдаланиб, «Депутат ташрифи» ва бошқа бир қатор лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошираётир.

Яқинда халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари иштирокида ташкил этилган «Депутат ташрифи» лойиҳаси доирасида ҳар бир депутат ўз ҳудудидаги кекса ёшли партия фаоллари, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари хонадонида бўлиб, уларнинг ҳолидан хабар олдилар, ҳомийлар ёрдамида совғалар улашдилди.

— Партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини рўйбига чиқариш, сайловчи ва электорат манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда депутатлар фаолияти муҳим аҳамиятга эга, — деди халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Қодиржон Исмоилов. — Мазкур лойиҳадан кўзланган мақсад — ёши улғу инсонлар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиш, кўпни кўрган нурунийларнинг фикри ва маслаҳатига қулоқ туттиш, аҳолини ўйлантираётган айрим масалалар ҳақида маълумотга эга бўлишдан иборат. Бу депутатга ҳудудга доир ижтимоий-иқтисодий масалаларни бевосита ўрганиш ва таҳлил қилиш, сайловчилар хоҳиш-иродасини ифода этиш, улар манфаатини ҳимоя қилиш учун аниқ таклифлар ишлаб чиқиш имконини беради. Шунингдек, партия дастурий вазифалари рўйбига, унинг аҳоли ўрта-

сидаги нуфузини янада юксалтириш, сайловчи ишончини оқлашга хизмат қилади.

— Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар билан яхши танишман, — дейди Шаҳрихон туманидаги «Сарой-2» футбол жамоаси

бош мураббийи Иброҳим Эргашев. — Партиянинг соғлом маънавий муҳит ва соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга доир лойиҳалари ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароит яратишга кўмаклашишни мақсад қилган. Соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтиришга қаратилган лойиҳа доирасида ташкил этилган бугунги мусобақада шоғирларимиз тенгқурлари билан куч синатиб, маҳоратини намойиш этиш имконига эга бўлди. Ушбу мусобақа нафақат спорт мактаблари, балки спортга қизиққан барча йигит-қизларни қамраб олгани билан ҳам аҳамиятлидир. Зеро, фарзандларимизнинг соғлиғи, уларнинг эртанги кунини учун гамҳўрлик қилишга барчамиз масъулмиз.

Муборак ТАЛАБОЕВА,
ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши матбуот котиби



Мансабдор шахс — ҳисобдор

Маданий ёдгорликлар — миллат бойлиги

уларни асраб-авайлаш ва янада бойитишда халқ депутатлари Миришкор туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ҳам ўз улушини кўшмоқда


Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига ҳисса қўшиш, электорат манфаатлари кўзланган амалий ташаббуслар билан чиқиш, жойларда ечимини кутаётган масалаларни ҳал қилишга кўмаклашишда депутат фаолияти муҳим ўрин тутди.

Маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, сессияларга ташаббус-масалалар киритиш, фуқаролар муурожаати асосида депутатлик сўровларини амалга оширишда фаоллик кўрсатмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида халқ депутатлари Миришкор туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи 17 та депутатлик сўровини амалга оширди. Доимий комиссия йиғилишларига 8 таклиф, халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига бир ташаббус-масала киритиб, тегишли қарор қабул қилинишига эришди. Бундан ташқари, партия гуруҳи аъзолари аҳоли билан мунтазам учрашувлар, тадбирлар уюштириб, уларнинг оғзаки муурожаатларини ҳам ўз вақтида ҳал этишга интиляётир. Масалан, 9 ой давомида 45

фуқаронинг ана шундай тарздаги 30 дан ортиқ муурожаати ўз вақтида ҳал этилди.

Мансабдор шахс ҳисоботи эшитиш депутатлик назоратининг самарали шаклларида бири саналади. У шунингдек, депутатлик назоратини кучайтириш, тегишли маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, мавжуд камчилик ва муаммолар юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради. Шу боис партия гуруҳлари мансабдор шахс эшитиш ташкил этишга алоҳида эътибор қараётир. Жорий йилнинг шу даврига қадар халқ депутатлари Миришкор туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи 12 мансабдор шахснинг ҳисоботини тинглади. Хусусан, Миришкор туман ҳокимлиги молия бўлими мутасаддиларининг Помук қишлоғидаги истироҳат боғини замонавий кўринишда таъмирлаш, янги атракционлар олиб келиш бўйича ҳисоботи тингланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎзМТДП гуруҳининг жорий йил 10 сентябрдаги йиғилишида «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси туман бўлими, туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими раҳбарлари «Маданий мерос



объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг ҳудуддаги ижроси, маданий мерос объектларининг давлат кадастрини юритиш бўйича амалга оширган ишлари борасида ҳисобот бердилар.

Унда таъкидланганидек, Қашқадарё воҳаси — тарихий обидалар, муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжоларга бой ҳудуд. Бундай ноёб масканлар бугун бебаҳо мерос сифатида алоҳида эъзозланмоқда. Миришкор туманидаги Олтин бошқоқ қишлоғидаги «Тойир гумбаз» сар-

добаси, Жейнов қишлоғидаги Саид Мурод Амин мақбараси, Пирматтепа, Ровоттепа, Оқмаччттепа каби археологик объектлар ёш авлоднинг туман ўтмиши, унинг бой маданий бойликларини ҳақидаги билимларини оширишга кўмаклашмоқда. Улар тарихини ўрганиш, обод ва

Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида халқ депутатлари Миришкор туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи 17 та депутатлик сўровини амалга оширди. Доимий комиссия йиғилишларига 8 таклиф, халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига бир ташаббус-масала киритиб, тегишли қарор қабул қилинишига эришди.

файзли гўшаларга айлантириш борасида бир қатор лойиҳалар амалга оширилаётир. Улуғ аждодларимизнинг ҳаёти, маданий мерос

объектлари тарихига оид китоб ва рисодалар чоп этилди. Бироқ тумандаги «Исоқ ота» мақбараси ҳамда «Хўжам ота» зиёратгоҳида зиёратчилар учун яратилган шарт-шароит талаб даражасида эмас. Зиёратгоҳ ҳудудидаги айрим иморатлар ён-атрофи санитария ташаббусига жавоб бермайдиган. Шу боис мазкур қадамжодаги биноларни таъмирлаш зарурати мавжуд. Ҳисоботда айтилишича, айни пайтда «Хўжам ота» зиёратгоҳи ҳудудида таъмирлаш ишлари олиб борилаётган ва у яқин вақт ичида тумандаги энг обод ва гавжум масканлардан бирига айлантирилиши режалаштирилмоқда.

Дарҳақиқат, юртимиз бўйлаб бой тарихимизни чуқур ўрганиш, буюк аждодларимиз хотирасини эъзозлаш ва меросини асраб-авайлаш,

уларни келгуси авлодларга етказиш гўзал аънаанага айланган. Бу жараёнда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам ўз улушини кўшаётгани эътиборга молик. Айнан шу каби эшитишларнинг мунтазам ташкил қилиниши ҳудудлардаги бой маданий меросимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, уни келажақ авлодга асл ҳолича етказишда муҳим ўрин тутди. Зеро, партия сайловолди Платформасида маданий ёдгорликларни бутун инсоният учун қимматли осори-атиқалар сифатида асраб-авайлаш, қайта таъмирлаш, янада бойитиш ҳамда кўпайтиришга кўмаклашиш муҳим вазифа сифатида белгиланган. Шунинг учун ҳам партиянинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ушбу масалаларга устувор аҳамият қаратмоқда. Бундай савб-ҳаракатлар ўз навбатида, партия дастурий мақсад-вазифаларини самарали амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли орасида партия нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Аҳмад ЮСУПОВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Хунарманд

Уй тўридаги манглайқош

Каштачилик азалдан халқимиз анъана ва маданиятининг рамзи, унинг ажралмас қисми бўлиб келган. Қадимда момоларимиз бўйи етган қизи учун матоларга бетакрор, ноёб нақшлар чиздирган. Шу тариқа миллатнинг кўп асрлик тарихи, фалсафаси ва менталитетини ифода этадиган кашта тури — зардевор пайдо бўлади.



Зардевор манглайқош дегани ҳамдир. Келин тушган уйга кирсангиз, тўрда — тахмонлар юқорисидан кўндаланг илиб қўйилган бўйи энсизроқ каштага кўзингиз тушади. Яъни уйнинг манглайғи илинган кашта — зардевор нақшига қараб мафтун бўлмай илож йўқ. Манглайқош тиқишдан, уни қизнинг селига қўшишдан яна бир мақсад — ҳар кимнинг бахтини ўз пешонасига берсин, келинчак бахтли-саодатли яшасин, деган эзгу ният ҳам муҳассам.

Ҳар чокида маъно муҳассам каштачилик хунари бугун мамлакатимизда изчил ривожланиб бормоқда. Буни шахрисабзлик моҳир каштадўз Саодат Низомова фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Қизалоқлигидан бувиси, онаси ёнида ўтириб, каштачилик санъатига меҳр қўйган чеварнинг қўлидан игна-ю ипак тушмайди.

— Кашта тиқиш Хосият момондан юққан, — дейди Саодат опа. — У “инсон юракдан, меҳр билан ишласа, унум ва барака топади”, деб кўп такрорларди. Момом каштага игнани қандай юритишдан то тўғри нақш солишгача сидқидилдан ўргатар, гўё билгандек, “ҳали шундай замонар келди, хунармандларнинг меҳнати беқийс хазинага тенг бўлади”, дерди. Мана, момом айтган ўша замон келди. Минг шўрки, бугун биз хунармандларга қаратилаётган эътибор ва гамхўрликнинг чеки йўқ. Илгари хомашэ топши, тайёр маҳсулотни сотиш муайян қийинчиликлар туғдирарди. Ишдан завқ олиш қайда? Тиркичилик ўтса, шўрк қиларди. Ҳозир эса яратиб берилган барча шарт-шароит ва имкониятлар натижасида турли танловларда қатнашиб, ўз маҳсулотларимизни нафақат маҳаллий, балки, жаҳон бозорларига олиб чиқишимизга кенг йўл очилди. Айни пайтда Шахрисабз шаҳри марказида хунармандчилик дўконимизга эгамиз. Бу ерга хорижлик меҳмонлар, халқаро нуфузли ташкилотлар вакиллари ташриф буюриб,

меҳнатимиз маҳсули бўлган — нақшли катта-кичик сумкалар, ёстиқлар, миллийлик ва замонавийлик уйғун кийим-кечалар, дўппи ва сўзаналар, турфа кашталарни Ўзбекистондан эсдалик сифатида ўзлари билан олиб кетади. Бундан кўнглимиз қувончга тўлиб, фахрланамиз...

XX асрнинг биринчи ярмида каштани машинада тиқиш — попоп русум бўлган, айримлар энди катта маҳорат, кўп меҳнат талаб қиладиган кўл каштачилиги буткул

бийи. Каштадўз хунармандлар тикаётган ёрқин ва жозибдор кашталар дунё халқларини ўзига маҳлиё қилмоқда.

Каштачиликнинг асосан ироқи ва бигиз турлари билан шугулланиб келаётган С.Низомова ўз хунари ортидан нафақат мамлакатимиз, қолаверса, халқаро миқёсдаги танловларда ҳам иштирок этгани ва турли давлатларда бўлганини фахр билан гапирди.

— Кўплаб хорижий давлатлардаги кўргазмаларда иштирокимиз ўз ижодий қобилиятимизни намоян этиш учун кенг имкониятлар яратмоқда, — дейди Саодат опа. — Бундай кенг кўламли тадбирлар хунармандчилик соҳасида халқаро тажриба алмашиш имконини беради. Қолаверса, чет элликлар матоларимиздан хайратга тушиб, хунаримизга катта қизиқиш билдирганида, шу соҳада меҳнат қиладиганимдан гурурланиб кетаман.

Юртимизда хунармандчилик турларини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ва имтиёзлар туфайли миллий матоларимиздан тикилган либослар халқаро миқёсда ҳам оммалашмоқда. Шу сабаб бугун хунарманд оддий одам эмас, балки жамиятда ўз ўрнига эга тадбиркор, миллий меросни асраб-яқлаштиришга катта ҳисса қўшаётган фаол маънавиятчидир. Мамлакатимиз Биринчи Президентининг 2010 йил 30 мартда қабул қилинган “Халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармони бунда дастуриламал бўлмоқда.

“Хунарманд” уюшмаси Шахрисабз шаҳар бўлимининг “Устоз-шоғирд” мактабларида сабоқ олаётган ёшлар ҳисобига уюшма сабоқ кенгайиб бормоқда. Бунда Саодат опанинг ҳам ҳиссаси катта. Ҳозирда опанинг ўнлаб шоғирдлари каштачилик хунари ортидан обрў-эътибор ва даромад топтомоқда.

Авваллари ҳар бир аёл ўзи учун кашта тиккан бўлса, бугун миллий хунармандчилик алоҳида соҳага айланди. Миллий хунармандчилик санъати асрий қадриятларимизнинг муҳим манбаи сифатида қанчалар муҳим, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли даромадини ошириш имконини бераётди. Бу ҳар жиҳатдан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси мақсад-вазифаларига ҳамоханг ва уйғундир. Партия сайловолди Платформасида юксак эстетик қимматга эга бўлиб келган миллий хунармандчилик турларини рағбатлантириш, қайта тиклаш ва ривожлантириш, қадимги бадийи-хунармандчилик мактабларининг анъаналарини сақлаб қолиш каби вазифалар белгиланган. Соҳага қаратилаётган бундай эътибор туфайли халқимиз даҳосининг маҳсули бўлган миллий мерос ва анъаналаримиз барҳаётдир.

Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ,
журналист

Маданият маскани

“Ёшларни тўғри йўлга бошлашда панд-насиҳат билан кифояланиб бўлмайди. Эзгуликни, юртпарварликни, инсоний фазилатларни камол топтиришга хизмат қиладиган амалий ишлар қилиш керак. Ана шундай амалий тарбия омилларида бири театр-дир. Театр давр билан ҳамнафас яшаётган, ҳаёт синовларида тобланган фидойий инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи асарларни саҳнага олиб чиқиши зарур”.

“Театр — бу ибратхона”

Бухоро мусикали драма театри фаолиятига бир назар

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 30 августда “Бухоро маданий маркази” мажмуида вилоят мусикали драма театри очилишида айтган бу фикрлари ўзбек театр санъати ривожига янги босқични бошлаб берди. Мазкур театр истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг яна бир тимсолига айланди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар этиб вояга етказишга оид эзгу саъй-ҳаракатлар жараёнида миллий театр санъатини изчил равишда топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, ёш авлоднинг она Ватанга муҳаббат, истиқлол гоъларига садоқат руҳида тарбиялашда театр санъатининг роли беқиёс.

750 ўринга мўлжалланган театр биносидан жамоа учун ҳам, томошабинлар учун ҳам барча шарт-шароит яратилган. Унинг ички ва ташқи қўрилиши, безаклари, жозибадор қандиллари пойтахтдаги театрлардан қолишмайди. Юртбошимиз раҳнамолигида бунёд этилган бу санъат қошоноси халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин намунаси.

2011 йилда Бухоро мусикали драма театрида илк бор республика театрларининг “Сени куйлаймиз, замондош!” танлови ўтказилди. Театр ушбу фестивалда А.Ҳамроевнинг “Тўғон” спектакли билан иштирок этиб, “Ватан ҳимоячилари акс этган энг яхши спектакль” номинатсиясида ғолибликни қўлга киритди. “Дебют-2012” IV республика фестивалида театрнинг “Майсаранинг иши” комедияси иккинчи ўринга лойиқ кўрилди.

— Кўплаб давлатларда гастрол сафаридан бўлди, — дейди театр директори Анвар Мавлонов. — Бу театр ижодкорлари меҳнати ва изланишларини катта саҳналарда кенг тарғиб қилиш билан бирга, ўзбек театр санъати, халқимиз маданияти, миллий қадриятларини бутун дунёга намойиш қилиш имконини берди.

Бугунги глобаллашув даврида кино ва театр санъатида давр билан ҳамнафас яшаётган, ҳаёт синовларида тобланган фидойий инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи асарлар яратиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Театр жамоаси саъй-ҳаракати билан ўндан ортиқ замона-



вий мавзудаги саҳна асарлари яратилди. “Хорижлик келин ёхуд Бухороча тўй қиламан”, “Бир сиким тупроқ”, “Тавба”, “Бу чоллар ёмон чоллар”, “Тўғон”, “Хаёл ва ҳақиқат”, “Умид” шулар жумласидан.

Театр репертуаридан нафақат миллий, балки жаҳон мумтоз асарлари ҳам ўрин олган. Театр бош режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти Убайдулла Бақоевнинг айтишича, бу даргоҳ ёш истеъодларга тажриба мактаби вазифасини ўтамоқда. Ижодий жамоага кўплаб умид-

ли актёр ва режиссёрлар жалб этилиб, иқтидор эгалари ўз ижодий имкониятларини намойиш этиши учун барча шароит муҳайё этилган.

— Ўтган йилги “Сени куйлаймиз, замондош!” кўрик-танлови кўтаринки руҳда бўлиб ўтди, — дейди театр адабий бўлими муdiri Моҳигул Назарова. — Режиссёр Сайфиддин Мелиев Нурилло Аббосхон асосида саҳналаштирган “Бурч” спектакли 2-ўринга лойиқ кўрилди.

Театрда ёш томошабинлар учун спектакллар саҳналаштириш масаласи ҳам доимо эътиборда. Театр қошида фаолият юритаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нодира Мўминова раҳбарлигидаги “Истеъдод” ёшлар студияси вилоятнинг санъатга ошно ёшларини жамлаб, уларнинг катта саҳнада ўз истеъодини намоян қилишига имкон яратмоқда. Яратилган шароит ва юксак эътибор навқирон авлоднинг янги марралар сари илҳомлантирмоқда.

...Ҳақиқий қаҳрамонни даврнинг ўзи тетапоқ қилади. Театр ижодкорлари учун энг муҳими — ибратга лойиқ фазилатларга эга қаҳрамонларни саҳнага олиб чиқиш. Буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Театр — бу ибратхона” деган фикри бугун ҳам ўз қийматини йўқотгани йўқ. Ёшларга камолот ва саодат манзилга элтажак йўлни кўрсатиш — Бухоро мусикали драма театри жамоасининг ўз олдига қўйган энг муҳим вазифаларидан. Зотан, тафаккурни теран ва маънавияти бутун халқига буюк ишларга, ҳар қандай мафқуравий таҳдид ва муаммоларни енгиб ўтишга қодир.

Ойдин НАСРИДДИНОВА,
“Milliy tiklanish” муҳбири

Бугуннинг гапи

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов қатъияти ва жасорати билан 1989 йилнинг 21 октябрида ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши халқимизни мустақилликка бошлаш йўлидаги муҳим қадамлардан бўлган эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Конституциямизда давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас давлат рамзига айланди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳада бўлгани каби тилимиз тараққиётида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. Ўзбек тилининг халқаро обрўси ошиб, фаол мулоқот воситасига айланиб бормоқда. Турли даражадаги расмий учрашув ва музокарада тилимиз кенг қўлланаётгани, хориждаги қатор таълим даргоҳларида, илмий муассасаларда ўзбек тили марказлари ташкил этилиб, уларда она тилимизни ўрганишга қизиқувчилар сони кўпайиб бораётгани бунинг яққол далилидир.

Шуни ҳам таъкидлаш жоиз, “Давлат тили ҳақида”ги қонун она тилимизнинг бор гўзаллиги ва жозибасини тўла намоян этиш билан бирга, уни илмий асосда ривожлантириш борасида ҳам кенг имкониятлар яратди. Олимлар ва мутахассислар томонидан илм-фан ва турли соҳаларга оид энциклопедия ва

Аждодлардан мерос — она тилимиз

луғатлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилди. Мумтоз адабиётимиз намуналари, беш жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” бу борада амалга оширилаётган ишларнинг энг муҳимларидандир. Ушбу луғат саксон мингдан зиёд сўз ва сўз бирикмасини, фан, техника, саноят, маданият ва бошқа соҳаларга оид атамаларни, шеваларда қўлланиладиган сўзларни ўз ичига олган.

Ҳар йили 21 октябрь юртимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун сифатида кенг нишонланади. Ушбу санага бағишланган тадбирларда “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар атрофлича таҳлил этилиб, галдаги вазифалар белгилаб олиниши яхши анъанага айланган.

Ўзбек тилининг бой имкониятлари бугунги кунда тилшуносларимиз томонидан чуқур ўрганилмоқда. Хусусан, тилимизнинг ахборот-коммуникация технологиялари, Интернет тармоғи, аниқ фанлар, тиббиёт, иқтисодиёт ҳамда бошқа маҳсулус термин ва тушунчаларни талаб қиладиган соҳаларда ҳам кенг қўллана бошлагани унинг имкониятлари улканлигини кўрсатмоқда.

Тилимизни эъзозлаш, ёш авлоднинг она тилига ҳурмат руҳида тарбиялашда буюк аждодларимизнинг ҳаёти ва фаолияти катта ибрат мактабидир. Бунга улғу мутафаккир

Алишер Навоий ижоди яққол мисол бўла олади. Буюк шоир ўзининг нафис шеърлари орқали тилимизнинг беқиёс гўзаллигини ҳамда бой имкониятларини намоян этган. “Муҳокамат ул-луғатайн” асари Алишер Навоийнинг нафақат буюк шоир ва мутафаккир, балки ўзбек адабий тилининг тарғиботчиси ва фидойиси эканидан далолат беради.

— Миллий қадриятимиз — она тилимизнинг мулоқот доираси кенгайиб бормоқда, — дейди узоқ йиллар ички ишлар тизимида хизмат қилган Аъзам Лукматов. — Хусусан, истиқлол йилларида ҳарбий соҳа тубдан такомиллашди, маънавий жиҳатдан ҳам юқори даражага кўтарилди. Ҳарбий қисмларда шахдам қадамлар ташлаб она тилимизда қўшқил қўйлаётган аскарларни кўриб, ўзбек тилида жаранглаётган саф қўшиқларини эшитиб, беихтиёр қувониб кетаман. Зеро, она тилимизга эътибор ватанпарварликнинг энг олий кўрinishидир.

— Мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг 2016 йил 13 майда қабул қилган “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этиш тўғрисида”ги фармони она тилимизга бўлган эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди, — дейди Алишер Навоий номидаги Самарқанд дав-



лат университети тилшунослик кафедраси муdiri, филология фанлари доктори Муродқосим Абдиев. — Ҳозирги глобаллашув жараёнида дунёнинг баъзи халқлари ўз она тилидан мусову бўлиб, тарихи ва келажагидан узилиб қолаётгани кўпчиликка маълум. Қайсики халқнинг тили таназзулга юз тутса, ўша халқнинг инқироzi муқаррардир. Шунинг учун ўз қадрини билган миллат она тилини ўзини асрагандай асради, унинг тараққиёти, тақдирини учун муттақил курашади.

Фармонда шундай фикрларни ўқиймиз: “Ўзбек тили қадимий ва бой тарихга эга бўлиб, унинг шакл-

ланишида миллоддан олдинги ва миллоддан кейинги дастлабки асарларда минтакамиз ҳудудида яшаган бақтрийлар, сўғдийлар, хоразмийлар ва бошқа элат ва миллатлар ўз таъсирини кўрсатгани ҳақида мавжуд илмий манбалар далолат беради”. Дарҳақиқат, бу фикрлар теран асосга эга. Бундан неча асрлар муқаддам буюк тилшунос олим Маҳмуд Қошғарий она тилимизнинг араб тили билан икки улоқчи от сингари тенг пойга қилаётганидан фахрланган эди. Она тилимиз ўша даврда ана шундай юксак мавқега эга бўлиши учун яна шунча йўл — такомил босқичини ўтаган бўли-

ши шубҳасиз. Миллатни миллат қилувчи, унинг буюк тамаддунга, тарихга дахлдорлигини англашиб, кишилар қалбидан фахр-ифтихор туйғусини уйғотувчи ҳам, авлодлар ва аждодлар зиммасидаги олий бурчини эслашиб турувчи ҳам она тилимиздир. Шундай экан, ўзбек тилининг давлат тили деб эълон қилинган халқимизнинг дунё халқлари орасида ўз ўрнини топгани ва эгаллаганлигининг қутлуғ нишонасидир.

Ҳа, она тилимиз бизга аждодларимиздан мерос қолган. Тилимизни асраб-яқлаш, янада ривожлантириш, азиз билиб қадрлаш бурчимиздир. Бизни мингйилликлар, теран илдишларимиз билан боғлаб турадиган ришта ҳам она тилимиздир. Мустақил Ватанимизнинг Биринчи Президенти таъкидлаганидек, аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебахо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-яқлашимиз, бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий иш олиб боришимиз даркор. Фундаментал фанлар, банк-молия тизими сингари соҳаларда ўзбек тилининг қўлланиш доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий луғатлар нашр этиш, зарур атама ва ибораларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардандир. Зеро, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтириш, уни миллий ва умумбашарий тушунчалар асосида тараққий этган тиллар сафига қўшиш ҳар биримиздан она тилимизга чуқур ҳурмат билан ёндашишни талаб этади.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
“Milliy tiklanish” муҳбири

Бизнинг шарҳ

Беларусь парламенти

Икки палатали бўлиб, Вакиллар палатасида 110, Республика кенгашида 64 депутатлик ўрни бор

Беларусь Республикаси — Европа марказидаги давлат. Шарқий Европа текислигининг ғарбида жойлашган. Майдони — 207,6 минг квадрат километр. Аҳолиси — 9,5 миллион. Маъмурий жиҳатдан 6 вилоят, 118 туман, 102 шаҳар, 109 шаҳарчага бўлинади. Пойтахти — Минск шаҳри. Давлат бошлиғи — Президент. Қонун чиқарувчи ваколатли органи — Миллат мажлиси бўлиб, у Вакиллар палатаси ва Республика кенгашидан иборат. Ижро ҳоқимиятини Бош вазир бошчилигидаги ҳукумат — Вазирлар Кенгаши амалга оширади.



сессия ундан кейин келадиган иш кунда ўтказилади. Парламентнинг навбатдан ташқари сессиялари Президент ҳамда ҳар қайси палатанинг учдан икки қисми таркиби талаби билан ҳам чақирилиши мумкин.

Вакиллар палатаси ҳамда Республика кенгаши ўз таркибидан палата раиси ва унинг ўринбосарларини сайлайди. Палаталар раиси ва ўринбосарлари мажлисларни бошқаради ва унинг ички тартиб-қоидаларини белгилайди. Палаталарнинг ҳар бири қонунчилик фаолиятини амалга ошириш учун ўз таркибидан доимий комиссия ва бошқа органларни сайлайди. Владимир Андрейченко 2008 йилнинг 27 октябридан Вакиллар палатаси, Михаил Мясникович эса 2015 йилнинг 16 январидан Республика кенгаши раиси лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Вакиллар палатаси Президент ёки мамлакатнинг сайлаш ҳуқуқига эга гамада 150 минг фуқаросининг Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳасини кўриб чиқиш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш, Президент сайловини белгилаш, Бош вазирнинг ҳукумат фаолияти дастури тўғрисидаги маърузасини тинглаш, уни қабул қилиш ёки рад этиш, палата аъзоларининг учдан бир қисми ташаббуси билан ҳукуматга ишонсизлик билдириш каби ваколатларга эга. Республика кенгашининг Ва-

киллар палатаси қабул қилган Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини қабул қилиш ёки рад этиш, Президентнинг Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Сайлов масаласи бўйича марказий комиссия раисларини, Бош прокурор, Миллий банк бошқаруви раиси ва унинг аъзоларини лавозимга тайинлаш ҳақидаги қарорини тасдиқлаш, Конституциявий суд, Сайлов масаласи бўйича марказий комиссиянинг аъзоларини сайлаш, маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан қабул қилинган, аммо қонунга мувофиқ келмайдиган қарорларини бекор қилиш, уларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатлари учун лавозимларидан четлатиш каби ваколатлари мавжуд.

Иккала палата аъзолари ҳам дахлсизлик ҳуқуқига эга. Улар ўз фаолиятини амалга ошираётган пайтда билдирган фикрлари учун жавобгарликка тортилмайди. Оғир турдаги жиноят содир этган ёки жиноят жойида ушланганидан бошқа ҳолатларда парламент аъзолари тегишли палаталар раислари розилигисиз ҳибсга олиниши мумкин эмас. Уларга нисбатан жиноят иши Олий суд томонидан кўриб чиқилади.

Парламент мажлислари очик-ошкора, баъзан тегишли палата аъзоларининг кўпчилик қисми талаби билан ёпиқ мажлислар ҳам ўтказилади. Президент, Бош вазир ҳамда Вазирлар Кенгаши аъзолари ҳам очик, ҳам ёпиқ мажлисларда иштирок этиш ҳамда унда сўз олиш ҳуқуқига эга. Ҳар иккала палата депутатлари Бош вазир, ҳукумат аъзолари ва давлат идоралари раҳбарларига савол билан мурожаат қилишлари мумкин. Бундай саволларга сессиянинг йиғинида иш кунини ичида жавоб қайтарилиши шарт. Палаталар мажлисида камидан парламент аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этиши талаб этилади. Қонун қабул қилишда бир депутат бир овозга эга.

Президент, Вакиллар палатаси, Республика кенгаши депутатлари, сайлаш ҳуқуқига эга

50 минг фуқародан иборат ташаббускор гуруҳи қонунчилик ташаббускорлиги ҳуқуқига эга. Президент ёки унинг тақдимига биноан ҳукумат аъзолари Вакиллар палатаси ва Республика кенгашига шошилинч қабул қилиниши керак бўлган қонун лойиҳасини кўриб чиқиш тақдирини илгари суриши мумкин. Бундай вазиятда палаталар лойиҳани уларга тақдим этилган кундан бошлаб ўн кун ичида кўриб чиқишлари керак.

Ҳар қандай қонун лойиҳаси дастлаб Вакиллар палатасида кўриб чиқилади. Вакиллар палатасида қабул қилинган қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун беш кун ичида Республика кенгашига тақдим этади. Юқори палата

лоийҳани 20 кун ичида кўриб чиқади. Юқори палата аъзоларининг асосий қисми маъқуллаган қонун лойиҳасини қабул қилинган ҳисобланади. Маъбодо лойиҳа рад этилган тақдирда, палаталар ўртадаги муросасизликка барҳам бериш учун келишув комиссияси тузиши мумкин. Келишув комиссияси ишлаб чиққан қонун лойиҳасини иккала палата ҳам қабул қилиши лозим. Агар келишув комиссияси ишлаган қонун лойиҳаси матни ҳар иккала палатани ҳам қониқтирмаса, Президент ёки унинг топшириғи билан ҳукумат аъзолари Вакиллар палатасидан бу борада яқиний қарор қабул қилишни сўрашга ҳақли. Палата аъзоларининг учдан икки қисми овоз берган тақдирда қонун лойиҳаси қабул қилинган ҳисобланади.

Вакиллар палатаси ва Республика кенгаши қабул қилган қонун кўриб чиқиш ва имзолаш учун Президентга тақдим этилади. Агар Президент ўн икки кун ичида қонун лойиҳасини қайтармаса, қонун имзоланган ҳисобланади. Агар қонун Президентга маъқул келмаса, ўз эътирозлари билан Вакиллар палатасига қайтариши мумкин. Палата қонун лойиҳасини ўттиз кундан кечиктирмай қайта кўриб чиқиши лозим. Қуйи палата депутатларининг учдан икки қисми қонунни қайта маъқулласа, беш кун ичида кўриб чиқиш учун Республика кенгашига тақдим этилади. Агар қонунни юқори палатанинг учдан икки қисми қайта маъқулласа, қабул қилинган, деб топилади. Ҳар икки палата қайта маъқуллаган қонунни Президент беш кун ичида имзолаши шарт.

Мамлакатда сўнги парламент сайлови жорий йилнинг 11 сентябрида ўтказилди. Унда сайланган депутатларнинг 94 нафари партиясизлардир. Сайловда Беларусь коммунистик партияси 8 мандатни қўлга киритган бўлса, "Ватанпарвар", "Меҳнат ва адолат" партиялари учтадан ўринга эга бўлди. Вакиллар палатасига муҳолифатдаги Либерал-демократик ҳамда Бирлашган фуқаро партияларидан биттадан вакил сайланган, холос.

Рангин дунё

“Ўз маданий меросини бекаму кўст сақлаб келаётган вероналикларга таҳсин айтмай илож йўқ”, деб ёзган эди 1786 й.нинг сентябрь ойида Италияга сەъҳати чоғида “Арена ди Верона” амфитеатрини кўриб ҳайратга тушган машҳур немис шоири Йоганн Вольфганг Гёте. Ушанда бу ишоотнинг қурилганига қарий 1800 йил бўлган, шунча вақт ўтгани, кўлаб табиат инжиқликлари — зилзила, сув тошқинига қарамай, амфитеатр ўзининг дастлабки қиёфасини деярли сақлаб қола олган эди. Машҳур “Фауст” асари муаллифи ўз эътирофида айнан мана шу жиҳатни назарда тутган бўлса ажаб эмас.

“Арена ди Верона” амфитеатри Верона шаҳрининг бош майдони — Пьяцца Брадада жойлашган. Мазкур тарихий иншоот катталиги жиҳатидан Римдаги Колизей ҳамда Санта-Мария-Капуа-Ветере шаҳри яқинидаги “Капуя” амфитеатридан кейинги ўринда туради. Қолаверса, у энг яхши сақланган амфитеатр саналади. Унда

ларидан бошлаб аренада театр ҳамда цирк труппаларининг томошалари, буқалар жанги ҳамда пойғалар ташкил этилган.

Верона шаҳрида очик омон остида ўтказилган, миллионлаб мухлисларни ўзига жалб этиб келаётган Халқаро опера фестивалига ҳам 1913 йилдан бошлаб “Арена ди Верона” амфитеатри мезбонлик қилмоқда. Ўша йили мазкур амфитеатрда машҳур италян бастакори Жузеппе Вердининг 100 йиллиги муносабати билан Халқаро опера фестивалининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтади. Италиялик давридагина амалга ошириш мумкин эди. Рим империясида фақат Тибейинг Клавдий Нерон даврида (милодий 14-37 йиллар) тинчлик ва осойишталик сақ-

“Арена ди Верона” амфитеатри

Икки минг йиллик тарихга гувоҳ

бир пайтлар гладиаторлар жанги, цирк ва бошқа томошалар ўтказилган. Фил суягидан ясалган жетон киринг чиптаси вази фасини ўтаган. Фақат имтиёзга эга фуқаролар, хусусан, сенаторлар ҳамда рухонийлар мусобақаларни чипта харид қилмай томоша қилган.



Амфитеатр асосан йирик тош, цемент ва гишдан бунёд этилган. У Верона шаҳри деворидан тахминан 70 метр узоқликда жойлашган. Бинонинг ташқи томони дастлаб пушти ва оқрангли оҳактош қоплама билан безатилган. Эллипс шаклида бунёд этилган амфитеатрнинг узунлиги — 139 метр. Ички доиранинг узунлиги — 73, эри — 44 метр. Аренада ўриндиклар 44 қатордан иборат бўлган ва 33 минг томошабинни сиғдирган.

Амфитеатр ким томонидан бунёд этилгани борасида турли тахминлар мавжуд. Баъзи тарихшунослар уни Рим ҳукмдори Октавиан Август (милоддан аввалги 27 йилдан милодий 14 йилгача ҳукмронлик қилган), айримлари эса ҳукмдор Тибери Клавдий Друз (милодий 41-54 йиллар) бунёд этган, де-

ляниб турган. Амфитеатр худудидан дубулға кийган гладиаторларнинг ҳайкаллари топилиши, I асрнинг 10-20 йилларига оид расмларда ҳам ана шундай тасвирлар акс этгани бунинг тасдиғидир. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, “Арена ди Верона” амфитеатри тахминан милодий 30 йилда бунёд этилган.

399 йилга келиб император Гонорий дастлаб гладиаторлик мактабларини ёпиқ қўяди, 404 йилда эса мусобақаларни бутунлай тақиқлайди. Оқибатда, арена анча вақт хувиллаб қолди. 1117 йилда юз берган зилзиладан сўнг амфитеатр жиддий зарар кўради. Уни тиклаш ва таъмирлаш ишлари эса 1568 йилдан кейин бошланади.

1590-1716 йилларда бу ерда асосан рицарлар жанги ўтказилган. XIX аср ўрта-

Вердининг “Аида” операси танланади. Унинг премьераси 1913 йилнинг 10 августидан бўлиб ўтади. Асосий партияларни кўшиқчилар Жованни Зенателло, Эстер Маццолени, испан операчиси Мария Гай (Америс) ижро этади. Оркестрга Тулло Серафин дирижёрлик қилади. Ушандан буён Верона шаҳрига ҳар йили машҳур хонандаларнинг куй-кўшиқлари, опера спектаклларини тинглаш ва томоша қилиш учун минглаб санъат шинавандалари ташриф буюради. Амфитеатр сахнасида микрофон ҳамда овоз қучайтиргичлардан узоқ йил фойдаланилмай келинди. Бунга фақат 2011 йилдан бошлаб ижозат берилди.

“Арена ди Верона” амфитеатри 2000 йилда ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

Сиэтлда “Тошкент” боғи очилди

АҚШнинг Сиэтл шаҳрида Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси “Сиэтл — Тошкент” биродарлашган шаҳарлар уюшмаси кўмагида ташкил этган “Тошкент” боғининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ҳақда “Жаҳон” АА хабар тарқатган.

Тадбирда Сиэтл шаҳри маъмурияти ҳамда биродарлашган шаҳарлар уюшмаси раҳбарияти, Вашингтон штати университети ва шаҳар аҳолиси вакиллари қатнашди. Тадбир Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов хотирасини ёд этиш билан бошланди.

“Сиэтл-Тошкент” биродарлашган шаҳарлар уюшмаси раиси С.Пэкстон тадбир мезбонлари ва иштирокчилари номидан Ислам Каримовнинг вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқига ҳамдардик билдирди. Пэкстон хоним Биринчи Президентнинг мамлакат суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўлини белгилаш, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида олиб борган бетимсол ишларига юксак баҳо берди.

Шунингдек, “Сиэтл-Тошкент” йўналишида Ўзбекистон билан йўлга қўйилган ҳамкорликни, уюшманинг ўзбекистонлик шериклар билан ўзаро мулоқотларини изчил

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

мустаҳкамлаш мўҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Сиэтл шаҳри мэри ўринбосари Х.Ким икки давлат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган ишларга эътибор қаратиб, жумладан, шундай деди: “Шаҳримиздаги “Тошкент” боғи нафақат шериклик муносабатларининг тарихий босқичи рами, балки икки давлат ва халқ муносабатларининг самарали ҳамкорлиги меваси хамдир”.

“Тошкент” боғининг очилиш маросимида Сиэтлнинг собиқ мэри У. Ульман ҳамда Вашингтон штати университети профессори И. Сиртаутас ҳам сўзга чиқди.

Робот-“мурабий”

Япониянинг “Omron” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган, стол тенниси бўйича инсон билан нафақат рақобатлашадиган, балки унга мурабийлик ҳам қила оладиган “Forpheus” номли робот Гиннеснинг рекордлар китоби сертификатига эга бўлди, деб ёзади “tjournal.ru”.

Робот пинг-понг столига маҳкамланган иккита устунга ўрнатилган. Унинг камерала-



ри бир сонияда 80 та сурат олишга қодир. Камералар тўп траекториясини аниқлайди ва андройдга маҳкамланган ракеткани унга йўналтиради.

Хабарда қайд этилишича, робот қайтаришга осон бўлган зарбаларни йўллайди, тўп траекториясини ва унинг кўниш нуқтасини столнинг ўзига ҳисоблаб чиқади. Ихтирочиларнинг айтишича, у шу орқали стол теннисини ўрганмоқчи бўлганларга қулайлик ҳам яратади.

Бундан ташқари, у одамга мослашиб, ундан ўрганишга ҳам қодир.

Курум ютувчи минора

Саноат корхоналари ҳисобида ҳавонинг ифлослигини билан боғлиқ ҳолат Пекин шаҳри учун жиддий муаммага айланган. Бу

ҳақда “techcult.ru” хабар тарқатган.

Нидерландиялик дизайнер Даан Роозегаарде мазкур муаммони бартараф этиш учун ўз лойиҳасини тақдиф этди. Унинг лойиҳаси махсус 7 метрли минора кўринишида бўлиб, ифлосланган ҳавони ютиб, тоза ҳавога айлантиради.

Даан Роозегаарде бир сафар Пекинга келганида шаҳар осмонини кулранг туман қоплаганига гувоҳ бўлади. Ушанда унда мазкур муаммага ечим топиш фикри тугилади. Ихтирочи лойиҳа устида уч йил ишлади. Даан ва унинг ҳамкасблари лойиҳани амалга ошириш учун 120 минг доллар йиғишга муваффақ бўлишди.

Минора Пекин шаҳри туманларидан бирида намоиш этилди. Иншоот 45 кумуш пластинадан иборат бўлиб, қисман дераза жалюзисини ёдга солади. Минора ичида шовқинсиз ишлайдиган, ҳавони тозалаб берувчи ускуна жойлашган. Ҳозирда бир неча минора Пекин шаҳрининг қурумдан энг кўп азият чекадиган туманларига ўрнатиш учун тайёр ҳолатга келтирилган.

Лойиҳа муаллифининг айтишича, мазкур миноралардан Хитойнинг бошқа саноатлашган, ҳаво ифлослишидан энг кўп азият чекадиган шаҳарларида ҳам фойдаланиш мумкин.

Ўзи юрар курси

Япониянинг “Nissan” компанияси навбатда туриш қулай бўлиши учун “ProPilot Chair” номли автоном курси ишлаб чиқаришни йўлга қўйди, дейилади “techcrunch.com” сайтида.

Курсилар умумий кутиш жойларида фойдаланишга мўлжалланган. Унга ҳайдовчиси бошқариладиган, “Nissan” автомобиллари учун яратилаётган “ProPilot” автоном бошқарув тизими асос қилиб олинган. Курси кетма-кетликда жойлашган бўлиб, бўшаган ўринни навбатдагиси эгаллайди. Курси навбат бошига етиб келгач, яна ортига қайтиш имконига эга.

Компания вакилларининг айтишича, курси одамни навбат қилиш жараёнида рўй берадиган руҳий ва жисмоний зўриқишдан халос этади.

Компания ушбу ихтиросини ҳозирда жамоат жойлари — тамаддиҳона, савдо маркази ва шифохоналарда татбиқ этиш учун буюртмалар қабул қилмоқда. Уларни 2017 йилда сотувга чиқариш режалаштирилган.

Бундан аввалроқ, яъни шу йилнинг февралда “Nissan” ўзи ҳаракатланувчи идора курсиларини яратиш учун ана шундай технологдан фойдаланганди.

Саҳифани “Milliy tikanish” муҳбири Шаҳзод ҒАҒҒОРОВ тайёрлади

